

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**619 «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйларида яшайдиган ногиронлар ва кексаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида**

«Мурувват» ва «Саховат» интернат уйларида яшайдиган ногиронлар ва кексаларни (кейинги ўринларда ногиронлар ва кексалар деб аталади) ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг тақлифларига биноан «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш Республика васийлик кенгаши (кейинги ўринларда Республика васийлик кенгаши деб аталади) ва юридик шахс ташкил этмасдан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) ташкил қилинганлиги;

Жамғарма маблағлари хайрия эҳсонлари, техник кўмаклашиш маблағлари (грантлар) ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобига шакллантирилиши;

Жамғарма маблағларидан «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйларини, ижтимоий, тиббий ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, яшаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ҳар хил маданий тадбирлар, танловлар, спорт мусобақалари, семинарлар ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда ногиронлар ва кекса-

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.*

ларни қўллаб-қувватлашга бўйича бошқа мақсадлар учун фойдаланилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари қўллаб-қувватлаш ҳудудий васийлик кенгашлари (кейинги ўринларда ҳудудий васийлик кенгашлари деб аталади) ташкил қилиш ҳақидаги таклифларига розилик берилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, Республика васийлик кенгаши Жамғармани бошқарувчи ҳамда ҳудудий васийлик кенгашлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади.

4. Қуйидагилар Республика васийлик кенгаши ва ҳудудий васийлик кенгашларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ногиронлар ва кексаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга;

«Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, бинолари ва ҳудудларини ободонлаштиришга, шунингдек ногиронлар ва кексаларга кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни молиялаштириш ва амалга оширишга;

«Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари фаолиятини жадал ривожлантиришни таъминлаш учун Жамғармага хайрия эҳсонлари, техник қўмаклашиш маблағлари (грантлар) ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағларни жалб қилишга;

ногиронлар ва кексалар учун ҳар хил маданий ва хайрия тадбирлари (хайрия концертлари, республиканинг маданий-тарихий диққатга сазовор жойларига экскурсиялар, театрлаштирилган ва цирк томошалари, маданият ва санъатнинг машҳур намояндалари билан учрашувлар), танловлар ва спорт мусобақалари тайёрлашга;

Жамғарма маблағларини бошқаришга, улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилишни таъминлашга;

«Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари фаолияти сифати ва самарадорлигини оширишга, ногиронлар ва кексаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга, шу жумладан «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари ходимларининг меҳнат шароитларини яхшилашга, уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш юзасидан таклифлар тайёрлашга;

ногиронлар ва кексаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг самарали ва замонавий талабларга жавоб берадиган тизимини яратишга;

манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган тадбирларга жалб қилишга;

болаларни оилада тарбиялашнинг ўрни ва аҳамияти тўғрисида, шу жумладан оммавий ахборот воситалари орқали маърифий ишлар олиб боришга;

«Мурувват» интернат уйларида интеллектуал ривожланишда ижобий динамика кузатилаётган ногиронларда меҳнат кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган замонавий шакл ва усулларни жорий қилишга қўмаклашиш.

## 5. Қуйидагилар:

«Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш Республика васийлик кенгаши тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

«Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳудудий васийлик кенгашлари тўғрисида намунавий низом 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Республика васийлик кенгашининг:

айрим ногирон болалар «Мурувват» интернат уйларида олдин ногирон болалар «Мурувват» интернат уйларида тарбияланган 18 ва ундан катта ёшдаги ногиронларнинг руҳий ва жисмоний ривожланиши ва ҳолати хусусиятларини инобатга олиб улар учун бўлимлар ташкил қилиш;

тижорат банкида ҳисоб рақамига эга бўлган Тошкент шаҳар 2-сон ногирон болалар «Мурувват» интернат уйида ижтимоий шериклик доирасида махсус бўлим ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин. Интеллектуал ривожланишда ижобий динамикага эга бўлган 18 ва ундан катта ёшдаги ногиронларни кейинчалик жамиятга интеграция қилиш учун уларнинг мустақил ҳаётий ва меҳнат кўникмаларини ривожлантириш орқали уларни ижтимоий ва касбий реабилитация қилиш тадбирларини амалга ошириш бўлимнинг асосий мақсади ҳисобланади.

## 7. Белгилансинки:

Республика васийлик кенгашининг таркиби Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири томонидан;

ҳудудий васийлик кенгашларининг таркиблари Республика васийлик кенгаши билан келишган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари томонидан тасдиқланади;

«Мурувват» ва «Саховат» интернат уйларида даволаш-меҳнат терапиясини амалга ошириш ва реабилитация қилиш мақсадида юридик шахс ташкил этмасдан даволаш-ишлаб чиқариш (меҳнат) цехлари, устахоналар ва ёрдамчи хўжаликлар ташкил этилиши мумкин, уларнинг товарларини сотишдан олинган даромадлар интернат уйларнинг алоҳида бюджетдан ташқари фазначилик шахсий ҳисоб рақамларида жамланади ва улардан (товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш бўйича жами харажатларнинг ўрни тўлдирилгандан кейин) қаттиқ ва юмшоқ инвентарь сотиб олиш, шунингдек «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйларида бошқа эҳтиёжлари учун фойдаланилади.

Жамғарманинг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳисоб рақамларида жамланадиган маблағларидан, шу жумладан тижорат банкида очилган хорижий валютадаги ҳисоб рақамидаги маблағларидан танлов (тендер), электрон савдолар ўтказмасдан ва Республика товар-хом

ашё биржасининг махсус электрон порталида эълонларни жойлаштирмасдан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўтказилган энг яхши таклифларни танлаш асосида Республика васийлик кенгашининг қарорларига мувофиқ фойдаланилади.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари икки ҳафта муддатда Республика васийлик кенгаши билан келишган ҳолда «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари ҳудудий васийлик кенгашларининг таркиби ва низомини тасдиқласинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирадилар.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 3 июль,  
455-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 3 июлдаги 455-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**«Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари фаолиятини  
қўллаб-қувватлаш Республика васийлик кенгаши тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш Республика васийлик кенгашининг (кейинги ўринларда Республика васийлик кенгаши деб аталади) асосий вазифалари, функцияларини ва фаолиятини ташкил этишни белгилайди.

2. Республика васийлик кенгаши «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари фаолиятини яхшилашга, «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари ҳамда Уруш ва меҳнат фахрийлари республика пансионатида яшайдиган ногиронлар ва кексаларга (кейинги ўринларда ногиронлар ва кексалар деб аталади) кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар сифатини оширишга кўмаклашувчи доимий фаолият кўрсатувчи коллегиял орган ҳисобланади.

3. Республика васийлик кенгаши ўз фаолиятини юридик шахс ташкил этмасдан жамоатчилик асосида юритади.

4. Республика васийлик кенгашининг таркиби Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири томонидан тасдиқланади.

Республика васийлик кенгашининг таркибига давлат органлари ва муассасалари, нодавлат ва ноижорат ташкилотлар вакиллари, хайр-эҳсон қилувчилар ҳамда «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантиришдан манфаатдор бўлган жисмоний шахслар кириши мумкин.

5. Республика васийлик кенгаши ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

## **2-боб. Республика васийлик кенгашининг асосий вазифалари**

6. Қуйидагилар Республика васийлик кенгашининг асосий вазифалари ҳисобланади:

ногиронлар ва кексаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга;

«Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлариининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, бинолари ва ҳудудларини ободонлаштиришга, шунингдек ногиронлар ва кексаларга кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни молиялаштиришга ва амалга оширишга;

«Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари фаолиятини жадал ривожлантиришни таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасига (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) хайрия эҳсонлари, техник кўмаклашиш маблағлари (грантлар) ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағларни жалб қилишга;

ногиронлар ва кексалар учун ҳар хил маданий ва хайрия тадбирлари (хайрия концертлари, республиканинг маданий-тарихий диққатга сазовор жойларига экскурсиялар, театрлаштирилган ва цирк томошалари, маданият ва санъатнинг машҳур намояндалари билан учрашувлар), танловлар ва спорт мусобақалари тайёрлашга;

Жамғарма маблағларини бошқариш, улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилишни таъминлашга;

«Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари фаолияти сифати ва самарадорлигини оширишга, ногиронлар ва кексаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга, шу жумладан «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари ходимларининг меҳнат шароитларини яхшилашга, уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш юзасидан таклифлар тайёрлашга;

ногиронлар ва кексаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг самарали ва замонавий талабларга жавоб берадиган тизимини яратишга;

манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган тадбирларга жалб қилишга;

болаларни оилада тарбиялашнинг ўрни ва аҳамияти тўғрисида, шу жумладан оммавий ахборот воситалари орқали маърифий ишлар олиб боришга;

«Мурувват» интернат уйларида интеллектуал ривожланишда ижобий динамика кузатилаётган ногиронларда меҳнат кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган замонавий шакл ва усулларни жорий қилишга кўмаклашиш.

### **3-боб. Республика васийлик кенгашининг функциялари**

7. Республика васийлик кенгаши ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигидан, бошқа давлат ва хўжалик бошқарув органларидан, «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйларида зарур бўлган маълумотларни белгиланган тартибда сўрайди;

бино ва иншоотларни янгидан қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш, зарур тиббий, реабилитация, ўқув ускуналари, бошқа асбоб-ускуналар, инвентарь билан жиҳозлашга эҳтиёжни аниқлаш учун «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари моддий-техника базасининг ҳолатини ўрганишда иштирок этади. Зарурат бўлганда ўрганишлар яқунлари бўйича ногиронлар ва кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини методик такомиллаштириш, «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйларида моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва давлат бошқаруви бошқа органларига киритади;

ногиронлар ва кексаларни тиббий кўриқдан ўтказишда, уларни тизимли соғломлаштиришни ташкил қилишда, диагностика ва даволашнинг замонавий усулларини қўллаб юқори технологик ихтисослаштирилган тиббий ёрдам беришда, протез-ортопедия буюмлари ва реабилитациянинг техник воситалари билан таъминлашга кўмаклашади;

«Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари фаолиятини такомиллаштириш тадбирларига манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни, шунингдек Жамғармага хайрия эҳсонлари, техник кўмаклашиш маблағлари (грантлар) ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағларни жалб қилиш чораларини кўради;

«Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари раҳбар лавозимларига номзодларни тавсия қилади ва белгиланган тартибда келишади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари тавсиясига биноан «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари ҳудудий кенгашлари таркибларини келишади;

«Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва дастурларни ишлаб чиқишда қатнашади ҳамда уларни амалга оширишга кўмаклашади;

ногиронлар ва кексалар учун ҳар хил маданий ва хайрия тадбирлари (хайрия концертлари, республиканинг маданий-тарихий диққатга сазовор жойларига экскурсиялар, театрлаштирилган ва цирк томошалари, маданият ва санъатнинг машҳур намоёндалари билан учрашувлар), танловлар ва мусобақалар, шу жумладан спорт мусобақалари ташкил этишга кўмаклашади;

«Мурувват» ва «Саховат» интернат уйларида тарбиялаш, ўқитишнинг, шу жумладан меҳнатнинг замонавий усуллари жорий этиш, ногиронлар ва кексаларни ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини методик таъминлашни такомиллаштириш, уларга тиббий хизмат кўрсатиш шароитлари ва уларнинг жисмоний камол топиши масалаларида кўмаклашади;

«Мурувват» ва «Саховат» интернат уйларида яшайдиган ногиронлар ва кексалар учун мослаштириш марказлари, «Мурувват» интернат уйлари васийлигида бўлмаган ногирон болаларни амбулаторияда даволаш бўйича марказлар, шунингдек «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйларида яшамайдиган ногиронлар ва кексаларга ёрдам бериш бўйича тиббий-ижтимоий марказлар ташкил этиш бўйича таклифларни тайёрлашда қатнашади;

Жамғарма даромадлари ва маблағлари харажатларининг прогноз параметрларини кўриб чиқади ва тасдиқлайди, Жамғарма маблағларидан фойдаланиш йўналишларини белгилайди, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақдим этиладиган Жамғарма маблағлари тушуми ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқади ва тасдиқлайди, зарурат бўлганда, Жамғарма даромадлари ва маблағлари сарфининг тасдиқланган прогноз параметрларига ўзгартиришлар киритади, шунингдек Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилишини текшириш учун тафтиш комиссиясини тайинлайди;

Жамғарма маблағларидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомда назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилади;

Жамғарма маблағларини барқарор шакллантиришни таъминлаш, уни ўз вақтида молиялаштириш ва мақсадли фойдаланиш устидан доимий назорат қилади;

Республика васийлик кенгаши йиғилишларига «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари раҳбарларини, шунингдек ногиронлар ва кексаларни ижтимоий муҳофаза қилиш тизими ва шароитларини такомиллаштириш масалаларини кўриб чиқишдан манфаатдор ташкилотларнинг вакилларини таклиф этади;

Республика васийлик кенгаши вакилларидан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унга идоравий мансуб муассасалар ходимларидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари вакилларидан «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари фаолиятини ўрганиш, улар фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқиш учун белгиланган тартибда ишчи гуруҳлар ташкил этади;

«Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари худудий васийлик кенгашлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

ногиронлар ва кексаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

#### **4-боб. Республика васийлик кенгаши фаолиятини ташкил этиш**

8. Республика васийлик кенгаши раис, раиснинг ўринбосари, котиб ва кенгаш аъзоларидан иборат таркибда шакллантирилади.

9. Республика васийлик кенгаши раиси:

Республика васийлик кенгаши йиғилиши кун тартибини белгилайди ва йиғилишни чақиради, Республика васийлик кенгаши қарорларини тасдиқлайди ва уларнинг ижроси назорат қилинишини ташкил этади;

Республика васийлик кенгаши йиғилишлари баённомаларини тасдиқлайди;

Республика васийлик кенгаши аъзоларига юкланган вазифалар бажарилиши бўйича улар ишини мувофиқлаштиради;

Жамғарма маблағлари шакллантирилиши ва улардан фойдаланилиши юзасидан ҳисоботларни кўриб чиқади ва тасдиқлайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

10. Республика васийлик кенгаши раиси ўринбосарининг ваколатлари Республика васийлик кенгашининг қарори билан белгиланади.

11. Республика васийлик кенгаши аъзолари қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Республика васийлик кенгаши йиғилишларида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал этишда иштирок этиш;

Республика васийлик кенгашига «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантириш юзасида долзарб масалалар бўйича таклифлар киритиш;

Республика васийлик кенгашида кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан ўз хулосаларини бериш.

12. Республика васийлик кенгаши котиби:

Республика васийлик кенгаши йиғилишига барча зарур ҳужжатлар ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди;

Республика васийлик кенгаши раиси билан йиғилиш ўтказиш муддати ва жойини келишади;

Республика васийлик кенгаши йиғилишлари кун тартиби масалалари бўйича ўтказилишини ташкил этади;

Республика васийлик кенгаши аъзолари ва таклиф қилинган шахсларни йиғилиш ўтказиш санаси, кун тартиби, вақти ва жойидан хабардор қилади;

Республика васийлик кенгаши йиғилишлари қарорлари ижроси мониторингини олиб боради;

Республика васийлик кенгаши баённомаларини расмийлаштиради ва уларни Республика васийлик кенгаши аъзолари ва бошқа манфаатдор ташкилотларга юборади.

Республика васийлик кенгаши котиби овоз бериш ҳуқуқи билан Республика васийлик кенгаши аъзоси ҳисобланади.

13. Республика васийлик кенгаши йиғилишларига кўриб чиқиладиган масалаларнинг хусусиятидан келиб чиқиб давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва мутахассислари, алоҳида жисмоний шахслар таклиф қилиниши мумкин.

14. Республика васийлик кенгаши йиғилишлари йил чорагида бир марта ўтказилади. Зарурат бўлганда навбатдан ташқари йиғилишлар ўтказилиши мумкин.

15. Республика васийлик кенгаши йиғилиши аъзоларнинг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

16. Республика васийлик кенгаши йиғилишини раис олиб боради, у бўлмаганда раис ўринбосари олиб боради.

### **5-боб. Республика васийлик кенгаши қарорларини қабул қилиш ва уларнинг ижросини ташкил этиш**

17. Республика васийлик кенгаши қарорлари унинг аъзоларининг овоз бериши йўли билан қабул қилинади.

18. Республика васийлик кенгаши йиғилишида қарор унинг аъзоларининг кўпчилиги овоз берганда қабул қилинган ҳисобланади. Овозлар тенг бўлган ҳолларда раиснинг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

19. Республика васийлик кенгаши қарорлари йиғилиш баённомалари билан расмийлаштирилади.

Республика васийлик кенгаши йиғилишлари баённомаси раис томонидан тасдиқланади ва бир ҳафта мобайнида Республика васийлик кенгаши аъзоларига ва манфаатдор ташкилотларга етказилади.

20. Республика васийлик кенгаши раиси қарорларни тезликда қабул қилиш мақсадида Республика васийлик кенгаши аъзолари билан сўров йўли билан келишилган айрим масалалар бўйича Республика васийлик кенгаши қарорларини тасдиқлаши мумкин.

21. Республика васийлик кенгаши баённомасининг асл нусхаси унга илова қилинган ҳужжатлар билан биргаликда Республика васийлик кенгаши котибида сақланади.

22. Республика васийлик кенгаши томонидан қабул қилинган қарорлар бўйича кенгаш йиғилишларида ялпи муҳокама қилиш йўли билан мунтазам равишда улар бажарилиши мониторинги олиб борилади.

### **6-боб. Яқунловчи қоида**

23. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 3 июлдаги 455-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**«Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари фаолиятини  
қўллаб-қувватлаш ҳудудий васийлик кенгаши тўғрисида  
НАМУНАВИЙ НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳудудий васийлик кенгашининг (кейинги ўринларда ҳудудий васийлик кенгаши деб аталади) асосий вазифалари, функцияларини ва фаолиятини ташкил этишни белгилайди.

2. Ҳудудий васийлик кенгаши «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари фаолиятини яхшилашга, «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйларида яшайдиган ногиронлар ва кексаларга (кейинги ўринларда ногиронлар ва кексалар деб аталади) кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар сифатини оширишга қўмаклашувчи доимий фаолият кўрсатувчи коллегиял орган ҳисобланади.

Ҳудудидида фақат «Мурувват» интернат уйлари фаолият кўрсатаётган минтақаларда «Мурувват» интернат уйлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳудудий васийлик кенгашлари ташкил этилади.

3. Ҳудудий васийлик кенгаши ўз фаолиятини юридик шахс ташкил этмасдан жамоатчилик асосида юритади.

Ҳудудий васийлик кенгаши фаолиятини «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш Республика васийлик кенгаши (кейинги ўринларда Республика васийлик кенгаши деб аталади) мувофиқлаштиради.

Ҳудудий васийлик кенгаши Республика васийлик кенгашига ҳисобот беради.

4. Ҳудудий васийлик кенгашларининг таркиблари ва улар тўғрисида низомлар Республика васийлик кенгаши билан келишган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари томонидан тасдиқланади.

Ҳудудий васийлик кенгашининг таркибига давлат органлари ва муассасалари, нодавлат ва нотижорат ташкилотлар вакиллари, хайр-эҳсон қилувчилар ҳамда «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантиришдан манфаатдор бўлган жисмоний шахслар кириши мумкин.

5. Ҳудудий васийлик кенгаши ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Ва-

зирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

### **2-боб. Худудий васийлик кенгашининг асосий вазифалари**

6. Куйидагилар худудий васийлик кенгашининг асосий вазифалари ҳисобланади:

ногиронлар ва кексаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга;

«Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлариининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, бинолари ва худудларини ободонлаштиришга, шунингдек ногиронлар ва кексаларга кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни молиялаштириш ва амалга оширишга;

«Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлариининг бюджетдан ташқари газначилик шахсий ҳисоб рақамларига «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари фаолиятини жадал ривожлантиришни таъминлаш учун хайрия эҳсонлари, техник кўмаклашиш маблағлари (грантлар) ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағларни жалб қилишга;

ногиронлар ва кексалар учун ҳар хил маданий ва хайрия тадбирлари (хайрия концертлари, республиканинг маданий-тарихий диққатга сазовор жойларига экскурсиялар, театрлаштирилган ва цирк томошалари, маданият ва санъатнинг машҳур намояналари билан учрашувлар), танловлар ва спорт мусобақалари тайёрлашга;

«Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари фаолияти сифати ва самарадорлигини оширишга, ногиронлар ва кексаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга, шу жумладан «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари ходимларининг меҳнат шaroитларини яхшилашга, уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш юзасидан таклифлар тайёрлашга;

ногиронлар ва кексаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг самарали ва замонавий талабларга жавоб берадиган тизимини яратишга;

манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган тадбирларга жалб қилишга;

болаларни оилада тарбиялашнинг ўрни ва аҳамияти тўғрисида, шу жумладан оммавий ахборот воситалари орқали маърифий ишлар олиб боришга;

«Мурувват» интернат уйларида интеллектуал ривожланишда ижобий динамика кузатилаётган ногиронларда меҳнат кўникмаларини шакллантириш учун тарбиялашнинг замонавий шакл ва усулларни жорий қилишга кўмаклашиш.

### **3-боб. Худудий васийлик кенгашининг функциялари**

7. Худудий васийлик кенгаши ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун куйидаги функцияларни амалга оширади:

давлат ва хўжалик бошқарув органларидан, «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйларида зарур бўлган маълумотларни белгиланган тартибда сўрайди;

бино ва иншоотларни янгидан қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш, зарур тиббий, реабилитация, ўқув ускуналари, бошқа асбоб-ускуналар, инвентарь билан жиҳозлашга эҳтиёжни аниқлаш учун «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари моддий-техника базасининг ҳолатини ўрганишда иштирок этади. Зарурат бўлганда ўрганишлар якунлари бўйича ногиронлар ва кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини методик такомиллаштириш, «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйларида моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига, Республика васийлик кенгашига ва давлат бошқаруви бошқа органларига киритади;

ногиронлар ва кексаларни тиббий кўрикдан ўтказишга, уларни тизимли соғломлаштиришни ташкил қилишга, диагностика ва даволашнинг замонавий усуллари қўллаб юқори технологик ихтисослаштирилган тиббий ёрдам беришга, протез-ортопедия буюмлари ва реабилитациянинг техник воситалари билан таъминлашга кўмаклашади;

«Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари фаолиятини такомиллаштириш тадбирларига манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни, шунингдек «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйларида бюджетдан ташқари ғазначилик шахсий ҳисоб рақамларига хайрия эҳсонлари, техник кўмаклашиш маблағлари (грантлар) ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағларни жалб қилиш чораларини кўради;

«Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари раҳбар лавозимларига номзодлар бўйича Республика васийлик кенгашига таклифлар тақдим этади;

«Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва дастурларни ишлаб чиқишда қатнашади ҳамда уларни амалга оширишга кўмаклашади;

ногиронлар ва кексалар учун ҳар хил маданий ва хайрия тадбирлари (хайрия концертлари, республиканинг маданий-тарихий диққатга сазовор жойларига экскурсиялар, театрлаштирилган ва цирк томошалари, маданият ва санъатнинг машҳур намояндалари билан учрашувлар), танловлар ва мусобақалар, шу жумладан спорт мусобақалари ташкил этишга кўмаклашади;

«Мурувват» ва «Саховат» интернат уйларида тарбиялаш, ўқитишнинг, шу жумладан меҳнатнинг замонавий усуллари жорий этиш, ногиронлар ва кексаларни ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини методик таъминлашни такомиллаштириш, уларга тиббий хизмат кўрсатиш шароитлари ва уларнинг жисмоний камол топиши масалаларида кўмаклашади;

«Мурувват» ва «Саховат» интернат уйларида яшайдиган ногиронлар ва кексалар учун мослаштириш марказлари, «Мурувват» интернат уйлари васийлигида бўлмаган ногирон болаларни амбулаторияда даволаш бўйича марказлар, шунингдек «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйларида яшамай-

диган ногиронлар ва кексаларга ёрдам бериш бўйича тиббий-ижтимоий марказлар ташкил этиш бўйича таклифларни тайёрлашда қатнашади;

«Мурувват» ва «Саховат» интернат уйларининг бюджетдан ташқари вазначилик шахсий ҳисоб рақамларига тушган хайр-эҳсон қилувчиларнинг маблағларидан фойдаланилишини назорат қилади;

худудий васийлик кенгаши йиғилишларига «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйларининг раҳбарларини, шунингдек ногиронлар ва кексаларни ижтимоий муҳофаза қилиш тизими ва шароитларини такомиллаштириш масалаларини кўриб чиқишдан манфаатдор ташкилотларнинг вакилларини таклиф этади;

худудий васийлик кенгаши вакилларидан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими муассасалари ходимларидан, давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органлари вакилларидан «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари фаолиятини ўрганиш, улар фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқиш учун белгиланган тартибда ишчи гуруҳлар ташкил этади;

ногиронлар ва кексаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

#### **4-боб. Худудий васийлик кенгаши фаолиятини ташкил этиш**

8. Худудий васийлик кенгаши раис, раиснинг ўринбосари, котиб ва кенгаш аъзоларидан иборат таркибда шакллантирилади.

9. Худудий васийлик кенгаши раиси:

худудий васийлик кенгаши йиғилиши кун тартибини белгилайди ва йиғилишни чақиради, худудий васийлик кенгаши қарорларини тасдиқлайди ва уларнинг ижроси назорат қилинишини ташкил этади;

конун ҳужжатларига ва ушбу Низомга мувофиқ худудий васийлик кенгаши фаолиятини ташкил этади;

худудий васийлик кенгаши йиғилишлари баённомаларини тасдиқлайди; худудий васийлик кенгаши аъзоларига юкланган вазифалар бажарилиши бўйича улар ишини мувофиқлаштиради;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларига, бошқа ташкилотлар ва корхоналар раҳбарларига «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари бўйича таклифлар киритади;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

10. Худудий васийлик кенгаши аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

худудий васийлик кенгаши йиғилишларида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал этишда иштирок этиш;

худудий васийлик кенгашига «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантириш юзасидан долзарб масалалар бўйича таклифлар киритиш;

худудий васийлик кенгашида кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан ўз хулосаларини бериш.

11. «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари раҳбарлари ҳудудий васийлик кенгашларининг котиблари ҳисобланади.

12. Ҳудудий васийлик кенгаши котиби:

ҳудудий васийлик кенгаши йиғилишларини ташкил этади, йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар бўйича барча зарур ҳужжатларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди;

ҳудудий васийлик кенгаши аъзолари ва таклиф қилинган шахсларни йиғилиш ўтказиш санаси, вақти ва жойидан хабардор қилади;

ҳудудий васийлик кенгаши баённомаларини юритади, шунингдек тасдиқланган баённомаларни ҳудудий васийлик кенгаши аъзоларига ва бошқа манфаатдор ташкилотларга юборади;

ҳудудий васийлик кенгаши қарорларининг бажарилиши мониторингини олиб боради, шунингдек унинг натижаларини кўриб чиқиш учун ҳудудий васийлик кенгашига киритади;

ҳудудий васийлик кенгаши фаолияти билан боғлиқ ҳужжатларни юритади, уларнинг сақланишини таъминлайди;

ҳудудий васийлик кенгаши фаолияти билан боғлиқ бошқа вазифаларни бажаради.

13. Ҳудудий васийлик кенгаши йиғилишларига кўриб чиқиладиган масалаларнинг хусусиятидан келиб чиқиб давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва мутахассислари, алоҳида жисмоний шахслар таклиф қилиниши мумкин.

14. Ҳудудий васийлик кенгаши йиғилишлари йил чорагида бир марта ўтказилади. Зарурат бўлганда навбатдан ташқари йиғилишлар ўтказилиши мумкин.

15. Ҳудудий васийлик кенгаши йиғилиши аъзоларнинг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

16. Ҳудудий васийлик кенгаши йиғилишини унинг раиси олиб боради, у бўлмаганда — раис ўринбосари олиб боради.

#### **5-боб. Ҳудудий васийлик кенгаши қарорларини қабул қилиш ва уларнинг ижросини ташкил этиш**

17. Ҳудудий васийлик кенгаши қарорлари унинг аъзоларининг овоз бериши йўли билан қабул қилинади.

18. Ҳудудий васийлик кенгаши йиғилишида қарор унинг аъзоларининг кўпчилиги овоз берганда қабул қилинган ҳисобланади. Овозлар тенг бўлган ҳолларда раиснинг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

19. Ҳудудий васийлик кенгаши қарорлари йиғилиш баённомалари билан расмийлаштирилади. Ҳудудий васийлик кенгаши йиғилишлари баённомаси раис томонидан тасдиқланади ва бир ҳафта мобайнида ҳудудий васийлик кенгаши аъзоларига ва манфаатдор ташкилотларга етказилади.

20. Ҳудудий васийлик кенгаши раиси қарорларни тезликда қабул қилиш мақсадида ҳудудий васийлик кенгаши аъзолари билан сўров йўли билан

келишилган айрим масалалар бўйича ҳудудий васийлик кенгаши қарорларини тасдиқлаши мумкин.

21. Ҳудудий васийлик кенгаши баённомасининг асл нусхаси унга илова қилинган ҳужжатлар билан биргаликда ҳудудий васийлик кенгаши котибида сақланади.

### **6-боб. Якунловчи қоида**

22. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 3 июлдаги 455-сон қарорига  
3-ИЛОВА

## **Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тўғрисида НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма маблағлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳисоб рақамларида жамланади, улардан, шу жумладан тижорат банкида очилган валюта ҳисоб рақамларидаги маблағлардан ушбу Низомга мувофиқ «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйларида, шунингдек Уруш ва меҳнат фахрийлари республика пансионатининг ижтимоий, тиббий ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш тизимининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, «Мурувват», «Саховат» интернат уйларида яшайдиган ногиронлар ва кексаларнинг (кейинги ўринларда ногиронлар ва кексалар деб аталади) яшаши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ҳар хил маданий тадбирлар, танловлар, спорт мусобақалари, семинарлар ташкил этиш, шунингдек уларни қўллаб-қувватлаш бўйича бошқа мақсадлар учун фойдаланилади.

### **2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш**

3. Жамғарма маблағлари:

юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг хайрия эҳсонлари;

шу жумладан ногиронлар ва кексалар иштирокида ўтказилган хайрия гала концертлардан, маданий-оммавий ва спорт тадбирларидан тушган тушумлар;

ногиронлар ва кексалар томонидан тайёрланган товарларни сотишдан тушган маблағлар;

техник кўмаклашиш маблағлари (грантлар), хорижий грант берувчилар ва донорларнинг ёрдами, Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг депозит ҳисоб рақамларида жойлаштиришдан тушган даромадлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлардан шакллантирилади.

### **3-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш**

#### **4. Жамғарма маблағларидан:**

«Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлариининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш (бинолар, иншоотларни жорий, мукамал таъмирлаш ва реконструкция қилиш, тиббий, реабилитацион, ўқув ускуналари, мебель, ташкилий техника ва бошқа техникани, юмшоқ инвентарь, транспортни, шунингдек «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари фаолияти жараёнида зарур бўлган бошқа товарлар ва хизматларни сотиб олиш);

ўқув анжомлари, шунингдек ногиронлар ва кексалар томонидан, уларни ўқитиш, шу жумладан меҳнат жараёнида товарлар тайёрлаш учун қўлланиладиган хом ашё ва материалларни харид қилиш;

«Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари фаолиятини ёритадиган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий веб-сайтини яратиш ва қўллаб-қувватлаш;

хар хил маданий ва хайрия тадбирлари (хайрия концертлари, республиканинг маданий-тарихий диққатга сазовор жойлари бўйлаб экскурсиялар, театрлаштирилган ва цирк томошалари, маданият ва санъатнинг машҳур намояндалари билан учрашувлар), танловлар ва спорт мусобақалари ўтказиш, сахна костюмлари сотиб олиш, шунингдек «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича Республика васийлик кенгашининг (кейинги ўринларда Республика васийлик кенгаши деб аталади) қарорларига мувофиқ амалга ошириладиган бошқа харажатлар учун фойдаланилади.

5. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш танлов (тендер), электрон савдолар ўтказмасдан ва Республика товар-хом ашё биржасининг махсус электрон порталида эълонларни жойлаштирамасдан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўтказиладиган энг яхши таклифларни танлаш асосида Республика васийлик кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширилади.

6. Ушбу Низомнинг 4-бандида назарда тутилган Жамғарма маблағлари-

дан фойдаланишнинг аниқ мақсадлари (товарларнинг номлари, уларнинг сони, ишлар, хизматлар бўйича) «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари-нинг тегишли товарлар ва хизматларга эҳтиёжларини ўрганиш асосида Республика васийлик кенгаши томонидан белгиланади.

7. Жамғарма маблағларидан, шунингдек уларни Республика васийлик кенгашининг қарорларига мувофиқ «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари-нинг фазначилик бюджетдан ташқари шахсий ҳисоб рақамларига (Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармалари) ўтказиш йўли билан фойдаланилиши мумкин.

8. «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари томонидан Жамғармадан уларнинг фазначилик бюджетдан ташқари шахсий ҳисоб рақамларига тушган маблағлардан фойдаланиш Республика васийлик кенгашининг қарорларида кўрсатилган мақсадларга мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

9. Жамғармадан «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари-нинг фазначилик бюджетдан ташқари шахсий ҳисоб рақамларига тушган маблағлардан мақсадли фойдаланиш учун жавобгарлик ушбу муассасалар раҳбарларига юкланади.

10. Жамғарманинг «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари-нинг фазначилик бюджетдан ташқари шахсий рақамларига ўтказилган, ҳисобот йили охирида фойдаланилмаган маблағлари Жамғармага қайтарилмайди ва келгуси календарь йилда назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланилади.

#### **4-боб. Жамғармани бошқариш**

11. Республика васийлик кенгаши Жамғармани бошқариш органи ҳисобланади.

12. Республика васийлик кенгаши:

манбалар ва фойдаланиш йўналишлари бўйича Жамғарма даромадлари ва маблағлар сарфларининг прогноз параметрларини кўриб чиқади ва тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақдим этиладиган Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқади ва тасдиқлайди;

Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилишини текшириш учун тафтиш комиссиясини тайинлайди;

зарурат бўлганда, Жамғарманинг даромадлари ва маблағлар сарфларининг тасдиқланган прогноз параметрларига ўзгартиришлар киритади;

Жамғармага хайрия эҳсонлари, техник кўмаклашиш маблағлари (грантлар) ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар жалб этилишига кўмаклашади;

Жамғарма маблағларидан ушбу Низомда назарда тутилган мақсадларда фойдаланиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

Жамғарма маблағлари барқарор шакллантирилишини, ўз вақтида молиялаштирилишини ва улардан мақсадли фойдаланилишини таъминлаш устидан назорат қилади.

**5-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланилишини ҳисобга олиш, ҳисобот бериш ва назорат қилиш**

13. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги: операция хизмати кўрсатади, Жамғарма маблағлари бўйича ҳисоб ва ҳисоботни юритади, шунингдек Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан мониторинг олиб боради;

«Мурувват» ва «Саховат» интернат уйларида Жамғармадан олинган маблағлардан фойдаланганлик тўғрисида ҳисоботлар сўрайди;

Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Республика васийлик кенгашига тақдим этади.

14. Жамғарма маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш устидан назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**6-боб. Яқунловчи қоида**

15. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.